# Маданиятимизга жаҳоний баҳо

***Париждан хушхабар келди: Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги Оврўпанинг нуфузли марказида 1801 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган Франция саноати, илм-фани ва маданияти ривожига кўмаклашиш халқаро Ассоциациясининг «Олтин медал»и билан тақдирланганлиги қайд этилган. Шу муносабат билан республика Маданият ишлари вазирлиги истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот марказининг директори Ботиржон Матёқубовдан ушбу воқеани шарҳлаб беришини сўрадик.***

— Мукофот вазирликнинг кейинги йиллар мобайнида олиб борган амалий фаолияти учун муносиб баҳодир. Сирасини айтганда, соҳамиз бўйича катта тадбирлар ва ислоҳотлар рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, маданий ёдгорликларни таъмирлаш, консерватория, давлат цирки, санъат ва табиат музейи, Муқимий номидаги театр, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида тикланган Соҳибқирон ҳайкали, Имом ал-Бухорий ҳамда ал-Фарғоний мажмуаларидаги нафосатни кўз олдимизга келтирайлик. Ўзбекистон нафақат Ўрта Осиёда, балки жаҳон миқёсида эътиборга молик маданий тадбирлар ўтказиш масканига айланиб бормоқда. Жумладан, Амир Темур ва Мирзо Улуғбекка бағишлаб Парижда ўтказилган тадбирлар ЮНЕСКОнинг штаб-квартирасида Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллик юбилей тантаналарининг ўтиши, Бухоро, Хива музейларида санъатимиз

### Эътироф

дурдоналари кўргазмаси ташкил қилиниши, «Германияда Ўзбекистон кунлари» ва «Ўзбекистонда Германия кунлари» уюштирилиши, етакчи давлатлар билан маданий ҳамкорлик соҳасида турли ҳужжатларнинг имзоланиши маданиятимиз ривожининг муҳим омилларидан саналади.

Юртимизда «Ўзбекнаво», «Ўзбекрақс», «Ўзбектеатр» бирлашмалари ва «Ўзбекмузей» жамғармасининг ташкил этилиши ҳам истиқлол шарофати ҳамда маънавий тикланишимизнинг ўзига хос нишонасидир. Айниқса, туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним», қўшиқ байрами, ўнлаб кўрик-танлов ва фестиваллар ҳам маданий тадбирлар сирасига киради. Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтиши, унда 32 мамлакатдан вакилларнинг қатнашиши ҳам бу соҳага алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади. Айни пайтда келажакни ўйлаб кадрлар тайёрлашга ҳам аҳамият берилмоқда. Миллий дастур талаблари асосида олий ўқув юртларида бакалавр тайёрлашнинг янги ўқув режалари ишлаб чиқилди. Қарийб икки ярим минг талаба давлат грантлари бўйича маданият ва санъат билим юртларига, 394 нафари олий ўқув юртларига қабул қилинди. Шунингдек, 16 номда дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилди. Умуман, Ўзбекистоннинг маданият соҳасида ривожланиши жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши шу соҳанинг минглаб фидойилари кўнглини кўтариб юборди.

***Муҳтасархон КАРИМОВА суҳбатлашди.***

### ХДП ҳаёти

# Фаоллар билан учрашув

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Сирдарё туман ҳокимлигида республикамизда таниқли бир гуруҳ олимлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон ХДП шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари, «Маърифат ва маънавият» марказлари раҳбарлари, хотин-қизлар кенгашлари ва фуқаролар йиғинлари раислари, фаол тарғиботчилар ҳамда бир қатор жамоат ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши биринчи котиби Д.Қулматов учрашувни қисқача кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши мафкуравий ишлар бўлими мудири Собир Қурбонов, Тошкент кимё технологияси институти кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор Ҳайдарали Узоқов, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори Ориф Усмонов, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг сиёсий шарҳловчиси Талъат Солиевлар мулоқотда иштирок этдилар. Улар республика Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда туб ислоҳотларни рўёбга чиқариш борасида 1998 йилда қилинган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар, жамиятни демократлаштириш билан бир қаторда маънавиятимизни юксалтириш, бой маданий меросимизни тиклаш, комил инсонни тарбиялаш, ҳукуматимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати ҳақида, шунингдек, Ватанимиз равнақи йўлидаги улуғвор ишларда сиёсий партияларнинг ўрни ва ҳиссаси хусусида ўз фикрларини билдирдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси, Сирдарё тумани ҳокими С.Усмонов қатнашди.

***А. ҲАЙДАРОВ, ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири***

# Ўзбеклар такяси

«Ривоятларга қараганда бу воқеа XVIII асрда бўлган экан. Бир кун ўзбеклар карвони Ускудордаги Султонтепага келиб ўзига хос ипакдан тайёрланган нақшли чодирлар қурибдилар. Сайрга чиққан Султон тасодифан у ердан отда ўтиб қолади. Қурилган чодирлар унинг эътиборини тортгани учун бориб меҳмонлар билан суҳбат қуради. Карвонбоши катта илм соҳиби Нақший Шайх билан суҳбат Султонда катта таассурот қолдириб, у ҳаж сафаридан қайтишда ҳаммаларига Истанбулда қолишни таклиф этади. Чодирлар қурилган ерни ўзбекларга ҳадя этиб, қайтгунларига қадар бу ерда бир такя қуришга сўз беради ва шундан кейингина ўзини таништиради. Ўзбеклар ҳам, Султон ҳам сўзларининг устидан чиқишади. Шу тариқа Ускудордаги Султонтепада илк такя қурилади». Юқоридаги парча адабиётшунос олим Рустам Шариповнинг «Туркия манзаралари» номли рисоласидан олинди. Ушбу китоб ўзбек халқи ва Онадўли турклари ўртасида азалдан мавжуд бўлган тарихий ва маданий алоқалар тадқиқига бағишланади. Бу китоб Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида кўп нусхада чоп этилди. Мажмуадаги бир қатор мақолаларда Онадўли турклари ва бошқа туркий давлатларнинг яқин ўтмиши, маданияти, жўғрофияси, мамлакатларни боғлаб турувчи кўринмас ришталарига оид қизиқарли маълумотлар батафсил ёритилган. Бундан ташқари Туркистон ҳудудида бундан саксон йил аввал бўлиб ўтган воқеаларни турк субайи-зобит Рожи Чакируз «Хотиралар»и орқали билиб олишимиз мумкин. Шунингдек, бугунги кунда Макка, Қоҳира, Истанбул шаҳарларидаги беш юзга яқин «ўзбек такялари» ҳақидаги маълумотлар эътиборимизни тортади. Тарихимизнинг энг зиддиятли ва

### Китоб — содиқ дўст

туб бурилиш даври бўлган XX асрнинг илк чорагида юз берган воқеалар ҳақида асарлар яратган олимлардан бири, жаҳоннинг қатор академияларининг фахрий аъзоси Аҳмад Заки Валидий Тўғондир. Тўғон 1913 йилда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун илк бор Тошкентга келади. Бу сафар олим учун жуда самарали ўтганини унинг ўзи ҳам шундай эътироф этади. «Аввалдан омад менга кулиб боқди, — деб ёзади у. — Тошкентга келган биринчи кунларимдаёқ Шайх Хованд Тоҳур (1380 йилда вафот этган) ҳаёти ва саёҳатларига оид эски қўлёзмаларга дуч келдим.

Булар илмда ҳанузгача номаълум қўлёзмалар эди. Қизиғи шундаки, Шайх Ховавд Тоҳур отамнинг маънавий устозларидан бири бўлган Тошкентлик Шайх Убайдулла Ахрорнинг аждоди эди. Қўлёзмаларда олимнинг турк ва форс тилларида ёзилган гўзал шеърлари ҳам ўрин олган эди. Бу ерда мен тарих ва адабиётга оид кўплаб номаълум қўлёзмаларни излаб топишга муваффақ бўлдим. Уларнинг аксарияти XVI асрдан кейинга мансуб эди». Бу «Хотиралар» Рустам Шариповнинг «Фан» нашриётида чоп қилинган «Аҳмад Заки Валидий Тўғон» номли рисоласида ёритилгандир. Бу китобча шарқшунос, адабиётшунос, тарихчи олимлар, шу соҳаларни эгаллаётган олий ўқув юрти талабалари ҳамда ўзбек адабиёти муаммолари билан қизиққан барча китобхонлар учун энг яхши дастуриламалдир. Рисолада Тўғоннинг 1911 йилдан 1972 йилгача бўлган асарлар библиографияси ўз аксини топган. Баъзи ўринларда ўқувчи учун янгилик бўлган маълумотлар ҳам борки, улар кишиларда қизиқиш уйғотади.

***Гўзал НОРЧАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири***

### ДУНЁ ДАРЧАСИ

## Тиниб-тинчимаган одамлар-ей

Грузиялик сайёҳ Жумбер Лежавага «ЮНЕСКОнинг тинчлик элчиси» фахрий унвони берилди. Ж. Лежава 1993 йилда бошланиб 2000 кундан бери давом этаётган олам бўйлаб саёҳати давомида Осиё, Америка, Европа ва Австралия қитъаларининг 111 мамлакатини велосипедда айланиб чиқди ва 171 минг километр масофани босиб ўтди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, грузиялик саёҳатчи Антарктидага велосипедда сафар қилган биринчи сайёҳдир.

ЮНЕСКО раиси Ф. Майор июль ойида ўзининг 60 ёшини қаршилайдиган кекса саёҳатчининг эришган ютуқларига баҳо берар экан, Ж. Лежава Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олишга ҳақлидир, деди.

Ҳозир кекса саёҳатчи Африка қитъасига сафар тараддудини кўрмоқда. У Африканинг 57 мамлакатини айланиб чиққач, Ҳамдўстлик мамлакатларига сафар қилади ва дунё бўйлаб саёҳатини ўз она шаҳри Тбилисида 2001 йилнинг 1 январини қаршилаш билан якунлайди.

## Жиноятчилар мактуб ёзишди

Албанияда бир гуруҳ жиноятчилар мамлакат қамоқхоналаридан бирида сақланаётган Зан Каушини зудлик билан озод қилинишини талаб қилиб, Тирана маъмуриятига мактуб йўллади. Улар мактубда, агарда З.Кауши озодликка чиқарилмаса, оммавий тартибсизликлар ўтказиши ҳақида ҳукуматни огоҳлантирган. Унга 412 киши имзо чеккан.

З. Кауши 1997 йилнинг сентябрида қуролли жиноятчилар гуруҳининг раҳбари сифатида қўлга олинган эди. У қўпорувчилик ҳаракатларини содир этиш, фуқаролар ҳаётига қасд қилиш ҳамда одам ўғирлашда айбланган.

### ДУНЁ ДАРЧАСИ

## Японияда грипп эпидемияси

Шу кунларда Япония соғлиқни сақлаш муассасалари мамлакатда тарқалиб кетаётган грипп хасталигидан қаттиқ ташвишга тушмоқда. Ҳозирданоқ бу касаллик 99 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Грипп эпидемияси мамлакатдаги 47 та вилоятнинг қарийб ярмида тарқалган.

Японияда ўтган йили кейинги ўн йилликдаги ичидаги энг кучли грипп эпидемияси тарқалган, бунинг оқибатида ярим минг киши дунёдан кўз юмган эди.

## Очарчилик кучаймоқда

Сомалида рўй берган табиий офатлар қишлоқ хўжалигига катта зарар келтиргани боис ҳосилдорлик кескин камайиб кетди. Натижада мамлакатда юзага келган очарчилик аҳолини қийин аҳволга солиб қўймоқда. Хабарларга қараганда, мамлакат жанубида истиқомат қиладиган 25 мингдан ортиқ оила ўзи яшаб турган уйларини ташлаб кетган. Жаҳон Озиқ-овқат дастури ташкилотининг маълум қилишича, 700 минг киши озиқ-овқат етишмаслиги боис оғир аҳволда қолаётир. 300 минг кишининг эса очарчиликдан нобуд бўлиш эҳтимоли бор.

## Қонли тўқнашув

Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий қисмидаги Трипура штатида аҳоли ўртасида этник айирмачилик заминида қонли тўқнашув рўй берди. Натижада 8 киши ўлдирилган, ўндан ортиқ киши тан жароҳати олган.

Яширин фаолият олиб бораётган «Трипура миллий озодлик жабҳаси» қуролли гуруҳи аъзолари бошқа штатлардан кўчиб келиб яшовчилар қишлоғига ҳужум қилган. Қонли тўқнашувлар натижасида 500 га яқин уйга ўт қўйилди. Мазкур штат маъмурияти тартибсизликларга чек қўйиш учун армия бўлинмаларини жалб қилди.

***(ЎзА)***


# Ихтисослаштирилган Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» БАНКИ

ASAKA BANK

**Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Намунавий лойиҳаларни амалга оширишда**

1. Бир сменада 1 тонна хомашёни ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган картошка чипсларини ишлаб чиқарувчи "Hanse Maschinen SHS GmbH" (Олмония) фирмаси ***(кредит суммаси - 275 минг АҚШ доллари)***

2. Бир кунда 5 тонна хомашё ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мева шарбатларини ишлаб чиқарувчи "Thyssen" (Олмония) фирмаси ***(кредит суммаси - 246,7 минг АҚШ доллари)***

**МАШИНА-УСКУНАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ УЧУН**

хорижий валютада *(ЕТТБ кредит линияси)*

**КРЕДИТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ.**

***Кредит олиш учун қуйидаги ресурсларга эга бўлган ФИРМАЛАР ТАЛАБГОР БЎЛИШЛАРИ МУМКИН:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| ***а) Молиявий:*** | | ***а) Молиявий:*** | |
| **хусусий маблағи** | **$ 91.666** | **хусусий маблағи** | **$ 82.233** |
| **шу жумладан, ЭАВда пул маблағлар** | **$ 16.500** | **шу жумладан, ЭАВда пул маблағлар** | **$ 14.987** |
| ***б) Техник:*** | | ***б) Техник:*** | |
| **ишлаб чиқариш майдони бино** | **150 м2** | **ишлаб чиқариш майдони, ер** | **200 м2** |
| **электроэнергия қуввати** | **110 кВт** | **электроэнергия қуввати** | **50кВт** |
| ***в) Асосий хомашё*** | | ***в) Асосий хомашё*** | |
| **картошка** | **бир сменада 1 т.** | **мевалар (олма, нок ва ҳ.к.)** | **бир суткада 5 т.** |

**ТАЛАБГОР — ФИРМА ТАКЛИФЛАРИ ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛИШИ ЛОЗИМ:**

- ***тўлдирилган тендер буюртманома (ТЗ 1 - шакл);***
- ***лойиҳанинг талабгор-фирма шарт-шароитига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосномаси;***
- ***кредит миқдорининг камида 120% га тенг қийматидаги гаров таъминоти тўғрисида маълумот;***
- ***талабгор-фирма ёки ҳомийларининг 3 йил даврдаги чоракма-чорак тузилган бухгалтерия ҳисоботлари (1, 2, 5 шакллар), шунингдек, уларнинг бизнес-режалари. Мазкур бизнес-режаларда талабгор-фирманинг лойиҳасини молиялаштириш учун ўзининг етарли сармояси борлиги тасдиқланган бўлиши, агар маблағ етарли бўлмаса, талабгор-фирманинг сармоясига етмаётган сумма қўшилгани тўғрисида "Бизнес-фонд" берган ҳужжат тақдим этилиши зарур;***
- ***талабгор-фирмани таъсис шарномасидан ва низомидан нусха;***
- ***маҳсулот ишлаб чиқиш учун зарур хомашё ва материаллар етказиб бериш ҳамда тайёрланган маҳсулотни сотиш тўғрисидаги мақсадлар баённомаси;***
- ***янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун лойиҳанинг барча ўлчамларига мос келадиган бино, уни таъмирлаш учун маблағлар мавжудлиги ҳақида батафсил маълумот;***
- ***танлов ҳайъати ҳисоб варағига 10 минг сўм қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ёки ана шу суммага банк берган кафолатнома нусхаси.***

**БАРЧА ҚИЗИҚУВЧИ ШАХСЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИ МУМКИН:**

**Намунавий лойиҳаларни сизнинг шароитингизга мослаштириш масалалари бўйича: "Ўзинвестлойиҳа" РИКнинг мониторинг бошқармасига.**
700000, Тошкент, Пушкин кўчаси, 88
тел: (71) 133-63-43, 68-53-24, 68-52-36
факс: (71) 120-66-41
ёки Компаниянинг исталган бўлимига

**Тендер шартлари ва тендер буюртмаларини қабул қилиш бўйича "АСАКА" Банкининг Лойиҳаларни молиялаш бошқармасига.**
700015, Тошкент, Нукус кўчаси, 67
тел: (71) 120-82-10, 120-82-21, 120-82-24
факс: (71) 120-82-22

Тендер буюртмаларини тайёрлашда ёрдам олиш учун жойлардаги Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари вилоят уюшмаларига.

